Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йилда 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 110 (21. 209) 1992 йил 4 июнь, пайшанба ● БАҲОСИ 2 СЎМ.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Воқеалар. Янгиликлар. Шарҳлар.

• ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ САМАРАСИ •

ҚАРОРГОҲ ТУЗИЛДИ

● Пилла мавсуми қизғин паллага кирди. Андижон вилоят, туман партия кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари ташаббусни ўз қўлларига олдилар. Тадбиркор партия ходимлари, ишбилармон мутахассислар карвонбоши бўлдилар. Пилла мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш қароргоҳи тузилди.

Қароргоҳ бошлиғи, ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Нуъмонжон Шокиров қаерда пилла териш ва топириш қандай бораётганини бирма-бир аниқлайди.

«Кумуш тола» ортилган карвонлар кун сайин кўпайиб борянти. Заршуносларнинг фидойилигига, беоромлигига таъзим қилгинг келади. Биринчи қувончли хабар Шаҳрихондан олинди. Навоий номли жамоа хўжалиги заршунослари вилоятда биринчи бўлиб зафар маррасини эгалладилар. Улар 16 тонна уруғлик пилла топшириб режани ортиғи билан бажардилар. Абдулҳамид Мамадалиев, Дилшодбек Ғофуров бошлиқ пиллачилик бригадалари эришилган ғалабага ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Робияхон Солиева, Маликахон Жўраева ва бошқа илғор пиллакорлар ҳар қути қурт уруғидан 100 килограммдан «кумуш тола» топширдилар.

Иккинчиси эса Андижон уруғлик пилла тайёрлаш участкасидан келди. Участка жамоаси давлатга 8,5 тонна юқори сифатли хом ашё армуғон этди. Ҳар қути уруғдан ўртача 65 килограммдан хирмон кўтарилди. Участка пиллакорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, яна 600 килограмм «кумуш тола» топширишга аҳду-паймон қилдилар. Комсомолобод, Бўз, Шаҳрихон районлари бирин-кетин пилла тайёрлаш режасини уддаладилар. Комсомолободдан Мирзааҳмедов номли давлат хўжалиги, Олтинкўлдан Сайфуддин Ашуров номли жамоа хўжалиги, Бўздан Маннон Жалолов номли давлат хўжалиги, Асакадан «Янгиҳаёт», Избоскандан Робур номли жамоа хўжаликлари мажбурият ҳисобига пилла топшира бошладилар.

Андижон вилоятининг миришкор заршунослари пилла хирмонини 5 минг тоннага етказиш иштиёқидалар. Бугун-эрта олтинкўлликлар, асакаликлар ҳам ғолиблар сафидан жой оладилар.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КАРВОН ЮРДИ

● Куни-кеча вилоятнинг пилла карвони юрди. Қувончли бу юришни асосан пилла уруғчилигига ихтисослашган Урганч тумани хўжаликлари бошлаб беришди.

Райондаги Чапаев номли, Калинин номли, «Комсомол», «Пахтакор» ва бошқа жамоа хўжаликларининг пиллакорлари дастлабки куни заводга илк тонналарни армуғон этишди. Зеваржон Сафарбоева, Малика Раҳимова, Зуҳра Машарипова, Маржон Раҳимова сингари «кумуш тола» бунёдкорларининг ҳар бири дастлабки кунининг ўзидаёқ ўртача 90—125 килограммдан уруғлик пилла топширишди. Уларнинг ўзосили юқори сифатга қабул қилинди.

Умуман, бу йил вилоят пиллакорлари 1930 тонна юқори сифатли пилла ҳосили етиштиришга азму қарор қилишган. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан, бу йил етиштирилган пилла ҳосилининг 25 фоизи хўжаликларнинг эркин нархларда сотиши учун ўз тасарруфида қолдирилиши пиллакорларни етиштирилган ҳосилни юқори сифатларга топширишга, режаларни эса анча ошириб бажаришга илҳомлантирмоқда.

Хоразмда пилла карвони юришига бағишланган маросимда жумҳурият қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг президенти А. Имомалиев, ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Ғ. Машариповлар иштирок этишди.

Вилоят ҳокими М. Жуманиёзов пиллакорларни илк карвон билан қизғин қутлади.

(Ўз мухбиримиздан).

• МЕҲР-МУРУВВАТ

● Қўқон ёғ-мой комбинати водийдаги энг кўҳна корхонадир. Бу ерда ҳавас қилса арзигулик анъаналар бор. Чунончи, шу ерда ишлаб, ёшлик куч-ғайратини корхона ривожига сарфлаган кишиларни ёддан чиқармаслик хайрли ишдир.

САХОВАТ ЭМАС, ИНСОНИЙЛИК БУРЧИМИЗ

Сир эмас, бозор иқтисодиёти шароитларида айниқса ночор оилалар, нафақахўр кексаларга қийин бўлди.

— Мана шундай шароитда фахрийларимиз ҳолидан хабар олиб туриш, уларни озиқ-овқат маҳсулотлари, кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлаш инсоний бурчимиздир, — дейди корхона директори Б. Ғуломов. — Ҳозир корхонамизда ишлаб, нафақага чиққан 400 нафар фахрий бор. Биз уларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, кам-кўстидан хабардор бўлиб турибмиз.

Корхона фахрийлар кенгашида бу кексаларнинг ҳар бири учун алоҳида маълумот дафтарчаси очилган. Дафтарчада фахрийнинг ёши, уй-жой, моддий шароитлари, саломатлиги ҳақида тўла маълумотлар бор. Фахрийлар кенгашидаги мутасадди шахслар шу маълумотлар асосида фахрийларга маълум ёрдамни ташкил этадилар. Кенгаш корхона маъмурияти касаба уюшмаси билан бирга кексаларга қандай ёрдам бериш, нималар етказиб беришни аниқлаб олади. Шуниси диққатга сазоворки, маҳсулотлар тақсимотида корхона ишчилари ҳам, фахрийлар ҳам теппа-тенг таъминланадилар.

— Бунинг боиси бор. Масалан, Жумабой ота Мамаюсуповнинг ёши 90 дан ошган. Табаррук отахон корхонада иш фаолиятини инқилобдан олдин бошлаб, 70 йиллик ҳаётини комбинатга бағишлаган. Озиқ-овқат маҳсулотлари тақсимотида кеча келган ишчига у ишлаяпти деб кўпроқ гўшт, ёғ берсак отани эса нафақахўр дея улушини камайтирсак, адолатсизлик бўлурди, — дейди корхона фахрийлар кенгашининг раиси Қ. Рева. — Бундай тақсимотга жамоамиз рози бўлган.

Йилнинг дастлабки уч ойида фахрийларнинг ўзига 10 тонна ўсимлик мойи, 2 тонна гўшт, 2,5 тонна ун, 3 тоннадан ортиқ сариёғ, 12 тонна совун ва бошқа маҳсулотлар тарқатилди.

Ёлғиз ва бетоб қариялларга эса уларнинг ҳолидан доимий хабар олиб туриш учун корхона ишчилари бириктириб қўйилган. Масалан, 80 ёшли Григорий Савин якка ўзи яшайди. У умр бўйи шу ерда ишлаган. Корхона жамоаси Лена Сорокинага мана шу кекса ҳолидан доимо хабар олиб туриш, маҳсулотларни етказиб беришни топширган. Лена қарияни жуда иззат қилади, авайлайди. 40 га яқин шундай кишиларни корхона ишчилари ташлаб қўйишгани йўқ. Жамоа нафақахўрларнинг иссиқ-совуғи, тўй-маъракаларига ҳам ёрдам беради.

Яқинда қадрдон ишхонасига нафақахўр К. Парпибоев келди. У ўғил уйлантирмоқчи экан. Замонани эса кўриб турибсиз. Корхона жамоаси бажонидил ўз фахрийсига тўйини яхши ўтказиб олиш учун ун, гуруч ажратди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Қўқон ёғ-мой комбинатида ўз фахрийларига муносабат жуда яхши ташкил этилган.

Шу ўринда бир мулоҳаза бор. Баъзан палон корхона ўз фахрийларига мунча нарса бериб саховат кўрсатибди, деган гапни эшитиб қоламиз. Қўқон ёғ-мой комбинатида бундай таги миннатга ўхшаб кетадиган гап-сўзга асло ўрин йўқ.

— Ахир ўз кекса ота-онаси ёки таниш-билишига ёрдам кўрсатиш саховат дейилмайдиқу, бизнинг фахрийларимиз ҳам кичик корхонани минг машаққатлар билан мана шундай замонавий комбинат ҳолига етказган мураббийлар, бундай қадрдон одамларни эъзозлаш оддий инсоний бурчимиз холос, дейишади комбинатда.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

Ер юзининг сайқали ҳисобланган Самарқанд ўзининг тарихий обидалари билангина эмас, балки, кишвардек сўлим боғ-роғлари, зилолдек сувлари билан ҳам етти иқлимга машҳур бўлган экан. Дарвоқе, тарихий манбаларга назар ташласангиз, кўҳна шаҳар атрофидаги сўлим гўшалар ҳақида ифтихорли сатрлар битилган. Айниқса буюк саркарда Амир Темур Кўрагон салтанати даврида Самарқанд атрофи боғ-роғга, гулзорга бурканди. Оқсоқолларнинг айтишича, шаҳар теграсида йигирмага яқин боғ бўлган.

Боғ Биҳишт, Боғи Шамол, Боғи Чинорон, Боғи Зоғон, Боғи Дилкушо, Боғи Нақши Жаҳон шулар жумласидандир. Фақат бугина эмас, шаҳар атрофида яна кўплаб боғлар яратилган. У боғларнинг тарифи ўзига хос бўлган.

Ҳа, Темур боғлари фақат эзгуликка хизмат қилган. Шу боис уларнинг номлари қалбларга муҳрланиб кетган. Парваришнинг яхшилигидан мевалар сархил, ҳуштаъм, шифобахш ва бебаҳо бўлган. Қаранг, ҳатто Арабистондан келган сайёҳлар Боғи Баланднинг анжирини дори сифатида истеъмол қилишган экан. Олма, зардолу, гилос, беҳи, олмурутлар минг дардга даво экан. Сиёб бозорининг машҳурлиги ҳам аслида шу боғлар туфайли бўлган.

Энг муҳими боғ яратиш, ноз-неъмат етиштириш фахрли иш ҳисобланган ва рағбатлантириб турилган.

Эзгу ишнинг индоллосини айтадиган бўлсак, Пўлат ака Абдураҳмонов Самарқанд вилоятига раҳбарликка келиши билан Сиёб бозорига кириб, у ерда пишиқчилик пайти бўлишига қарамай нарх-навонинг баландлигини кўриб, ўйга толди. Наҳотки, жаннатмакон боғ-роғга бурканган шаҳарда олма-анжир, шафтолининг нархи фалон пул бўлса?!

Дарҳол тажрибали деҳқонларни, кекса мутахассисларни тўплаб, уларнинг йўл-йўриғига таяниб, бобомиз Амир Темурдан қолган меросга қилинган ҳиёнатларни йўқотиш учун боғларни қайта тиклаш зарурати борлиги келишиб олинди. Ачинарли ҳол эди. Темур яратган боғлардан бир-икки гектаригина сақланиб қолибди, холос. Аммо ерлар бўш ётарди. Ачинасан, куйинасан киши,

Хайрли иш бошланганига уч йил бўлди холос. Аммо, лекин жуда катта савобли ишлар қилинди. Самарқанд ноҳияси чегарасида, Миронқўл этакларида янги боғлар барпо этилди. Бу ҳаракат вилоятлардаги барча ноҳияларга, қишлоқларга кўчди.

Ҳозир яратилган боғларга бир назар ташласангиз, яна уч-тўрт йилдан кейин пайдо бўладиган оромгоҳларни хаёлингиздан ўтказиб, баҳри-дилингиз қувончга тўлади. Эскилар бежиз айтишмаган: «Яхшидан боғ қолади...».

Андижонга борган бўлсангиз Ширмонбулоқ деган жой бор. Кекса деҳқон, ҳалолу пок инсон Назир ота Сулаймонов тоғнинг тепасида неча ўн йил илгари боғ яратган. Бу боғларнинг мевасидан шу кунгача баҳраманд бўлиняпти. Боғбоннинг отасига минг раҳмат айтиляпти...

Ўйлаймизки, самарқандликларнинг ҳам яхши ташаббусини ҳали йиллар ўтиб илиқ-илиқ сўзлар билан эслашади.

Фармон ТОШЕВ,
Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Суратда: эндигина ҳосилга кирган боғнинг кўриниши.

Р. ҒАФУРОВ олган сурат.

ЮҚОРИ НАВЛИ ҲОСИЛ ОЛДИЛАР

Сирдарё вилояти хўжаликларида давлатга пилла сотиш қизғин давом этмоқда. Қўриқдаги Шароф Рашидов районидаги Ш. Рашидов номли давлат хўжалиги пиллакорлари вилоятда биринчилардан бўлиб ғалаба маррасига етдилар.

Давлатга 4 минг килограммга яқин «кумуш тола» армуғон этилди. Хўжалик пиллакорлари ҳозирга қадар ҳар қути ипак қуртидан ўрта ҳисобда 50 килограммдан ошириб юқори навли ҳосил олдилар.

УНУТИЛМАС КУНЛАР

РЕПОРТАЖ

● Шоир айтганидек, инсон кўрки, иззат-икроми, роҳати фарзанд билан. Оилада фарзанд дунёга келган кунданоқ у билан бирга чексиз орзу-ҳаваслар ҳам туғилади. Бешик тўйи, суннат тўйи, уйлаш ёки узатиш, уларга атаб уй-жой қуриш, ўзларидек орзу-ҳаваслн қилиб тарбиялаш... Булар-ку ўз ота-оналари бағрида оройиш топган фарзандларга дахлдор, лекин болалар уйларида етим-есирлар шундай орзу-ҳавас қилишга ҳаддилари сиғармикин!

Кечагина бунинг имкони йўқ эди. Эндиликда Ўзбекистон мустақилликка эришгач, асрий удумларимиз, одат-у расм-русумларимиз қайта тирилиб, яшай бошлади. Энди етимхоналардаги минглаб гўдаклар — мустақиллик болаларидир. Энди уларнинг ота-онали ўз тенгқурларидан кам жойлари йўқ.

Яқинда Ангрен шаҳридаги 34-мактаб-интернатда саккиз нафар кичкинтойнинг суннат тўйига бағишлаб катта тантана ўтказилди. Ўзбекистон ХДП Ангрен шаҳар кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган бу маросимга вилоят ва шаҳар жамоат ташкилотлари, корхона ва муассасалардан келган вакиллар иштирок этишди. Болалар уйининг кенг саҳнли ҳовлиси шу ерда тарбияланувчилар, мезбон ва меҳмонлар билан лиқ тўлди. Энг тўрда шу тантана «айбдорлари» — миллий кийимдаги саккиз нафар кичкинтой. Дастурхонларда ҳозир камёб ҳисобланган ширинликлар, турли пишириқлар, салқин ичимлиг-у сомса-патирлар. Гулдонлардаги анвойи гуллар маросимга ўзгача файз-тароват бағишлайди. Карнай-сурнайдан кейин навбат шаҳар «Чотқол» бадиий дастаси санъаткорларига берилади. Янги оҳанграбо қўшиқлар, латофатли рақслар, мазали таомлар болалар қувончига-қувонч қўшди. Табрик сўзларида айтилган эзгу-истаклар, топширилган совға-саломлар қарсаклар билан қарши олинди. Уларнинг эса охири кўринмасди. Ўрта Осиё ташқи иқтисодий алоқалар уюшмаси бош директори Д. Исаева шу ташкилот ҳомий бўлган мактаб-интернатга йил бошидан буён юз минг сўмдан кўпроқ маблағ ўтказилгани, 20 минг сўмлик кийим-кечак туҳфа этилгани ва бугун 25 минг сўмлик коса, пиёла, чойнак ва бошқа буюмлар совға сифатида олиб келинганини маълум қилди.

Интернат директори А. Қаюмов эса болаларни ўз фарзандимиздек тарбия қиламиз, деб кўпчиликни ишонтирди. Вилоят партия кенгаши ҳар бир тўйбола омонат дафтарчасига беш юз сўмдан, жами 4000 сўм пул ўтказди. Вилоят ҳокимияти эса болалар уйига гилам совға қилди.

Микрофон ёнида қўлида омонат дафтарча ушлаган корхоналар вакиллари кўпайиб борарди. Тошкент вилояти ва шаҳар жамғармаси банклари биргаликда болалар ҳисобига саккиз минг сўм пул ўтказдилар. Ангрен кўмирсозлари ҳам шунча маблағни туҳфа қилишди. Кейин вилоят суғурта, бошқармаси ўз мурувватини кўрсатди. Тўйболаларга бошоёқ саруполар тақдим этилди.

— Севимли шоримиз Ғафур Ғулом айтганидек, сизлар етим эмассизлар,— деди Ангрен шаҳар ҳокими С. Юсуфалиев, — чунки сизнинг тепангизда соябон бўлиб турган халқ бор, давлат бор. Зотан, ўз она тилига, ота юртига эга бўлганларнинг эртанги кунлари ёруғ бўлиши аниқ. Сизлар том маънода мустақиллик болаларисиз.

— Ҳадисда ўқиганим бор, — деди Ҳурмат ая Шоназарова, унда айтилишича, киши садақа-эҳсон ва мурувват эшигини очса, Тангри унинг мол-дунёсига барака ато этар экан. Мен ҳам ўз шахсий жамғармамдан мана шу пулни жигарбандларимга ҳадя этмоқчиман.

Ундан кейин Ойниса Топилова дилдан чиқарган ёрдам пулини тортиқ қилди. Сўнгра уруш ва меҳнат фахрийлари баҳоли қудрат совғасалом улашдилар. Кеча охирида миллий одатимиз бўйича дошқозонда тайёрланган палов дастурхонга тортилди. Болалар мириқиб ҳордиқ чиқаришди. Ҳеч шубҳа йўққи, улар бу кунни бир умрга ёдда сақлаб қоладилар.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни олдидан ўтказилган бу тадбир сал аввал Бўка туманида ҳам амалга оширилган эди. Вилоят бўйича ташкил қилинган савобли ишлар ҳафталигига Бекободда якун ясалди.

Ангрендаги суннат тўйи тантаналарида Ўзбекистон ХДП вилоят ва шаҳар кенгашлари биринчи котиблари Ў. Турғунов ҳамда А. Қўқанов иштирок этдилар.

Абдунаби МАННОПОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ҮРТОҚ Қ. Ж. ҲАҚҚУЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ ЎРИНБОСАРИ — ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИ ДАВЛАТ КОНЦЕРНИ БОШҚАРУВИ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Қайим Жалилович Ҳаққулов Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўринбосари — Ўзбекистон нефть ва газ саноати давлат концерни бошқаруви раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 3 июнь.

АКС-САДО

КЎНГИЛДАГИ РЕЖАЛАР

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расуловнинг «Ўзбекистон овози» рўзномасининг шу йил 30 апрель сонида босилган хатини диққат билан ўқиб чиқиб, шундай хулосага келдик: республикани 1992—1993 йилларга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш тўғрисидаги таклифни тўла қўллаб-қувватлаймиз. Дарҳақиқат кишилар қаёққа қараб бораётганлигимизни, қандай воситалар ёрдамида жамият камолотига эришилишини аниқ тасаввур қилмоқлари керак. Тўғри, иш жараёнида кўп нарсага ҳаётнинг ўзи тузатиш киритади.

Барча партия ташкилотларининг эътиборини республика Конституциясини тайёрлашга қаратилиши ҳақидаги фикрлар ҳам ғоят ўринли. Шуни айтиш керакки, бизда қонун яратувчилик ҳаётдан орқада қолмоқда. Бошқа эски қонунлардан фойдаланиб турилса бўлар, лекин умумдавлат қонунлари мажмуасини такомиллаштирмасдан туриб олга силжиш қийин. Жойларга ҳокимлар тайинланди. Хўш, уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини қайси қонун тартибга солади? Сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солишни қонуний кафолатлашнинг ҳам вақти келмадими? Ҳозирги мухолиф партия ва сиёсий оқимлар мавжудлиги шароитида улар билан муносабат тўғри белгиланмаган. Бу соҳада демократик мамлакатлар тажрибасини ижодий ўзлаштиришимиз зарур.

Партиянинг мафкуравий ишларида кўпгина ноаниқликлар бор. Партия ўз фаолиятида инсоният яратган қадриятларга суянмоғи керак деб ўйлаймиз. Айниқса ўтиш даврида КПСС нинг илғор анъаналари, ўзини оқлаган тажрибаларидан ҳам самарали фойдаланиш лозим.

Биз Ўзбекистон ХДПнинг Дастурий мақсадларини халққа чуқур тушунтиряпмиз. Бу партия ташкилотларининг кундалик ишига айланган. Бироқ кишилар ХДП Дастурини назарий жиҳатдан тўлдириш ва мустаҳкамлаш лозимлиги, Низомдаги бошланғич партия ташкилотлари тўғрисидаги қоидани янада аниқроқ қилиш кераклиги ҳақида фикр-мулоҳазаларни ҳам айтмоқдалар. Жойларда раҳбарлик лавозимларига номзодларни тавсия қилинаётган кишиларнинг партия аъзоси эканлигидан ташқари уларнинг ҳалоллиги, инсоний фазилатлари, адолатпарварлиги каби ҳислатлар ҳам албатта ҳисобга олиниши зарур.

ХДПнинг маҳаллий матбуот нашрларини ташкил этиш ва йўлга қўйиш ишига ҳам алоҳида эътибор бермоқ лозим. Чунки биргина марказий «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» рўзномаларида партия кундалик ҳаётини тўлалигича қамраб олиш ва халққа етказиш оғир, албатта. Мавжуд барча сиёсий кучлар ва ташкилотлар билан амалий ҳамкорлик қилиш, мулоқотлар олиб бориш ошкоралик сари қўйилган дадил қадам бўлади. Қайси партия ва сиёсий куч халқни кўпроқ ишонтира олса, сўзини амалда исбот қила билса ўша ташкилотнинг обрўси ҳам ошиб бораверади. ХДП, ҳеч шубҳасиз, бу соҳада дадил ташаббускор бўлмоғи лозим. Шундагина у ўз мавқеини таҳин ҳам оширган ва мустаҳкамлаган бўларди.

А. ОЧИЛОВ,
ХДП Қаршн шаҳар кенгашининг биринчи котиби.

• ПАРТИЯ АХБОРОТИ

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ—ОММАГА

● ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши меҳнаткашларни иқтисодий билимлар билан қуроллантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Шу мақсадда вилоят кенгаши ижтимоий-сиёсий маркази ўтказган курс ва семинарларда колхоз ва совхозлар, ташкилот ва муассасаларнинг иқтисодий ўқуви раҳбарлари бўлган бир ярим минг тарғиботчи,қайта тайёрловдан ўтдилар. Улар ҳозир жойларда ташкил қилинган иқтисодий мактабларда машғулот ўтказмоқдалар.

Иқтисодий мактабларда барча табақадаги кишилардан 40 минг тингловчи таълим олмоқда. Машғулотларни, шунингдек, Қарши давлат дорилфунуни, аграр иқтисод олийгоҳи олимлари, вилоят ташкилотларининг раҳбарлари ҳам ўтказмоқдалар. Иқтисодий ўқув машғулотлари ҳар ойда икки марта ўтяпти.

ДАВРА СУҲБАТИ

● Шаҳрисабз район партия кенгаши «Социализм» жамоа хўжалигида уюштирган давра суҳбатида райондаги барча колхоз ва совхозлар бошланғич ва цех партия ташкилотлари котиблари иштирок этишди. Улар бозор иқтисодиёти даврида партия ташкилотларининг роли ва вазифаси юзасидан ўзаро фикрлашиб олдилар. «Правда», Шербобоев номли, «Социализм» жамоа хўжаликлари бошланғич партия ташкилотлари котиблари Б. Бердиев, С. Мажидова, К. Худойқулов, шу хўжалик цех партия ташкилоти котиби, район партия кенгаши масъул ходими Ю. Комилов ва бошқалар партия ташкилотлари нуфузини ошириш ва жанговарлигини кучайтиришга доир аниқ фикр-мулоҳазаларни айтдилар. Амалий тажриба алмашдилар.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАШҒУЛОТЛАР ОЛДИДАН ЙИҒИЛИШ

● Яқинда Андижон район ҳудудий партия ташкилотлари ХДП аъзоларининг партия Дастури ва Низоми ўрганиладиган амалий машғулотлари олдидан йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия фаоллари, знёлилар, раҳбар ва техник ходимлар иштирок этдилар. Андижон халқ хўжалиги олийгоҳининг профессори Р. Файзиев ХДП аъзоларининг янги ўқув йилини бошлашдан кутилган мақсад ҳақида маъруза қилди.

Йиғилишда бошланғич партия ташкилотлари томонидан тасдиқланган тўгаракларнинг маслаҳатчилари ва уларнинг ёрдамчиларини мунтазам ўқитиш, партия фаоллари билан маслаҳатлашиб омма орасида иш олиб бориш ҳақида келишиб олинди.

Райондаги ҳудудий партия ташкилотларида 40 та тўгаракда машғулотлар олиб борилади. Уларга 1000 га яқин партия фаоллари жалб этилган. 40 нафар тарғиботчилар шу кунлардаги сиёсий ўзгаришлар ҳақида партия аъзоларини хабардор қилиб борадилар.

С. ЮСУПОВ,
Андижон район «Билим» жамиятининг масъул котиби.

Ў Р Н А К

● Ангор районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги аъзоларидан 152 нафари Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафида. Улар деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, турмуш маданиятини кўтариш ишларида фаол қатнашаётирлар.

Жамоа хўжалигида 21 та пахтачилик бригадаси бор. Улардан 11 тасига ХДП аъзолари раҳбарлик қилишяпти. Мазкур жамоаларда ҳар бир юмушнинг сифатли уддаланиши таъминланмоқда. Тажрибали механиклардан Хурсанд Самандаров, Абдуваҳоб Зойиров сингари ўз касбининг усталари машина ва механизмларнинг бетўхтов ишлаб туришини таъминламоқда. Улар фаол жамоатчилар сифатида партия ташкилоти топшириқларини ҳам сидқидилдан адо этишяпти. ХДП аъзолари Нурмамат Хонтўраев, Тошбой Қўйлиев, Тўра Эшалиев, Салом Ашуров, Чори Расулов бошлиқ бригада миришкорлари мўл ҳосил етиштириш учун курашда бошқаларга ўрнак бўлишяпти. Бу ерда ғўза парвариши сифатли олиб бориляпти.

Х. ТОШТЕМИРОВ,
район «Илғор» рўзномаси муҳаррирининг ўринбосари.

ХДП: ҳаёт билан ҳамнафас

НОИБЛИК ТИНГЛОВЛАРИ

● Долзарб масала ёҳуд кенгаш ва ҳокимият ўртасидаги ихтилоф, шунингдек мазкур кенгашга ҳисобот берувчи ҳудудда республика қонунлари ва Президент Фармонлари, ўз қарорлари бажарилиши бўйича тайёргарлик натижасида ўтказиладиган халқ ноиблари кенгаши комиссияси, қўмитаси, сессиясидаги муҳокама ноиблик тингловлари деб айтилади. Тор маънода олганда ноиблик тингловлари кенгаш қўмиталари ва комиссиялардаги муҳокамага таллуқлидир. Кенгроқ маънода эса ноиблик назорати тартибида сессияларда ўтказиладиган муҳокамаларга алоқадордир.

Ноиблик тингловларининг ташаббускори сифатида ҳар бир аниқ кенгаш регламентига мувофиқ халқ ноибларининг муайян миқдори, айтайлик, кенгаш тўла таркибининг 30 фоизи, ноиблик гуруҳи (партия ва бошқа жамоат манфаати) бўлиши мумкин. Ҳар қандай ҳолда кенгаш, қўмита, комиссиянинг тингловларини ўтказиш тўғрисида кўпчилик овоз билан қабул қилинган қарор керак. Шундай бўлганда, айрим ноибларнинг тингловларни ўтказиш тўғрисидаги таклифлари учун монелик бўлмайди. Бундай таклифни киритиш учун ҳужжатлар, оғзаки ахборот асос бўлади, ноиблик тингловларини ўтказиш илтимоси тўғрисидаги ариза расмий тартибда топширилади (сессия, қўмита, комиссия мажлиси протоколлари ёзилади, кенгаш раёсатида рўйхатга олинади).

Қатор мамлакатлар парламентлари, муниципал маҳаллий мажлисларидаги мавжуд қоидаларга биноан, агар мазкур орган таркиби рўйхатида бўлган ноибларнинг камида учдан бир қисми ёқлаб овоз берган тақдирда, тингловлар ўтказилади. Шу тариқа озчилик ҳуқуқи ҳам кафолатланади. Кўпгина ҳукмрон партиялар ҳокимият тепасида турган пайтда бундай ҳолни ўнғайсиз, деб ҳисоблайдилар. Лекин оппозицияга ўтганларида эса унинг нақадар юксак демократиявий эканлигига ишонч ҳосил қиладилар. Шу боис уни регламентга киритиш ёки киритмаслик тўғрисида ўйлаб кўриш лозим.

Одатда тингловлар ташаббускорлари масалани тайёрлаш бўйича ишларнинг анчагина қисмини ўз зиммаларига оладилар. Баъзи ҳолларда бошқа комиссиялар, қўмиталар, ижроия ва прокурорлик органларининг ёрдами ҳам керак бўлиб қолади. Ўшанда раёсат ёки сессия, қўмита, комиссия қарор қабул қилиб, унда тингловларни таъминлаш бўйича тадбирлар кўрсатиб ўтилади.

Тингловларга тайёргарлик қуйидагилардан жамулжам бўлади:

а) масала моҳиятини аниқлаб олиш — нима учун уни тинглаш таклиф этиляпти, бунда қандай муаммо ва зиддият мавжуд;

б) ҳуқуқий экспертиза — кўтарилган муаммоларни ўрганиш учун қандай қонуний асослар борлиги, уларни ҳал этиш учун мазкур орган ваколатга эгалиги таҳлил этилади;

в) муаммо моҳияти бўйича махсус таҳлил — кўриб чиқилаётган ҳолат қандай фойда ёки зарар келтиради;

г) муаммони ижобий ҳал этиш учун нималар қилиш мумкин;

д) мазкур тингловлар бўйича қарор лойиҳаси.

Моддий-иқтисодий оқибатларни, таклиф этилаётган чоралар шартларини ҳисоблаб чиқиш, кадрлар имкониятини назарда тутиш муҳимдир. Мутахассислардан, манфаатдор фуқаролардан, органлардан, зарур маълумотлар тўплаш ўринли бўлади. Бу ошкоралик, ўйланмаган ва шошма-шошар хулосалардан халос этади.

Ноиблик тингловлари уларни ўтказаётган орган қарорига кўра ёпиқ ўтиши мумкин, бунда фуқаролар, матбуот иштирок этмайди. Жиноятчиликка ва чайқовчиликка қарши кураш, шунингдек, ҳокимга, унинг маъмуриятидаги раҳбар шахсларга ишончсизлик тўғрисидаги таклифлар билан боғлиқ материаллар юзасидан тингловлар ёпиқ ҳолда ўтади. Бундай ёндашув тингловларнинг моҳияти билан изоҳланади, Мақсад — ноибнинг ўз-ўзини кўз-кўз қилиши, ижтимоий можароларни қўзғаш эмас, балки юзага келган муаммоларни ҳал этиш йўлини топишдан иборат. Шу билан бирга агар ижроия ҳокимият ва кенгашнинг кўпчилиги оқилона фикр-мулоҳазага қулоқ тутишни истамаса, унда халқ вакиллари бўлган ноиблар ўз сайловчиларини ноиблик тингловларининг бориши ва натижалари тўғрисида бохабар этишга мажбурлар.

Ноиблар маърузаси ва қўшимча маърузалар тингловларнинг асосий мазмунини ташкил этади. Хорижда ноиблар комиссияларининг экспертларни таклиф этиши қабул қилинган, улар муаммо моҳияти бўйича маруза тақдим этадилар. Ноиблар эса профессионаллар тавсия этган позициялар бўйича фикр билдирадилар. Тингловларни ўтказаётган орган зарур экспертларни (чақириқ қоғози ва бошқача тарзда) таклиф этиш ҳуқуқига эга. Саволларга жавоб бериш ва ахборот бериш учун гувоҳлар, мансабдор шахслар чақирадилар. Бунда тингловларнинг тартиби ҳам белгиланади. Маруза ва қўшимча маърузадан сўнг маърузачиларга саволлар берилади. Тингловлар натижаларига кўра қарор қабул қилинади. Шундан сўнг экспертлар ва гувоҳлар сўзга чиқадилар, саволларга жавоб берадилар. Мазкур нуфузли орган ўз юрисдикциясида (ҳуқуқий бўйсунишда) бўлган мансабдор шахс тингловларга келмаган ҳолда уни маъмурий тартибда жазолашни талаб этиш ҳуқуқига эгадир.

Агар тингловлар қўмита ёки комиссияда ўтаётган бўлса улар қабул қилган қарорлар асосан тавсиянома тусида бўлади. Лекин энг ваколатли органлардаги тингловларнинг қарорлари кўрсатмалар ва тавсиялардан иборат бўлиши мумкин.

Ноиблик тингловлари ҳоким ижроия ҳокимиятига нисбатан посангилик ва ноиблар фаоллиги намоён бўлишининг механизми ҳисобланади.

Ноиблик тингловлари учун баъзи намунавий саволлар:

— Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 9 ноябрдаги «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонунни мазкур шаҳар, районда амалга оширишга тайёргарлик тўғрисида.

— Мазкур шаҳар, районда оналар ва болаларни ижтимоий ҳимоя этиш, соғлиғини сақлашни таъминловчи муассасалар, ташкилотлар ва органлардаги кишилар аҳволи тўғрисида. Шаҳар, район ҳудудида ички ишлар органларининг жиноятчилик ва гиёҳвандликка қарши олиб бораётган курашидаги ишлар натижадорлиги тўғрисида.

— Жорий йилдаги шаҳар, район бюджети бажарилишининг бориши тўғрисида.

Ўзбекистон ХДП Кенгаши, унинг аппарати ва штатсиз фаоллари партия аъзолари бўлган ноиблар, ноиблик гуруҳига тингловларга тайёргарлик бўйича яқиндан ёрдамчи бўлишлари керак. ХДП Кенгаши Ижроия қўмитаси ёки партия ташкилоти кенгашининг пленуми халқ ноибларининг ноиблик тингловларини ўтказиш тўғрисидаги таклифларини қўллаб-қувватлаш юзасидан махсус қарор қабул қилиши мумкин. Ана шу тингловларнинг натижаларидан фуқаролар ва ноиблик қабулхоналарини, маҳаллий матбуот ва радиони хабардор этиш жуда муҳимдир.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Парламент ишлари ва партиялараро алоқалар бўлими.

КУН ТАРТИБИДА— ПАРТИЯ НАШРИ МАСАЛАСИ

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгашида ўтказилган шаҳар ва район партия кенгашлари котибларининг йиғилишида «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» рўзномаларига 1992 йил иккинчи ярмига обуна масаласи кўриб чиқилди. Вилоят партия кенгашининг иккинчи котиби П. С. Бердиев ҳар бир партия аъзосининг ХДП нашрларига обуна бўлишини таъминлашда фаолларнинг оммавий-сиёсий ва ташкилий ишлари кучайтирилиши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

— Партиямиз рўзномалари — кундалик кўзгумиз, — деди у. — Унда ютуқларимизни ҳам, нуқсонларимизни ҳам дарҳол кўрамиз. Шу боис рўзномаларимизга албатта обуна бўлишимиз керак. Партия фахрийларини ХДП бюджети маблағидан, илғор ишчи ва колхозчиларни рағбатлантириш мақсадида эса ўз иш жойларидан бепул обуна қилишни уюштириш лозим.

Йиғилишда партия вилоят кенгаши котиби Р. Ғ. Ражабов қатнашди.

ХДП Қарши шаҳар кенгаши ижроия бюросининг кенгайтирилган мажлисида «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» рўзномаларига йилнинг иккинчи ярми учун қайта обунани ташкил этиш масаласи муҳокама этилди. Бюро мажлисида шаҳар ҳудудидаги корхона, муассасалар ва хўжалик органлари раҳбарлари, партия ташкилотлари котиблари қатнашдилар. ХДП шаҳар кенгаши биринчи котиби А. Р. Очилов ва бошқа нотиқлар бозор иқтисодиёти юзага келтираётган қийинчиликларни эътиборга олган ҳолда республиканинг нуфузли рўзномаси — «Ўзбекистон овози»ни моддий жиҳатдан қўллаш, унинг жамғармасини мустаҳкамлаш кераклигини алоҳида таъкидладилар. Бу ишда партия ташкилотлари жонбозлик кўрсатиб, ҳар бир партия аъзосининг партия нашри муштарийси бўлишига эришмоқ керак, дейишди мажлис аҳли.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЛОЙИҲА МУҲОКАМАСИ

● Хоразм вилоят кенгашида бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишлардан бири ХДП Марказий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикасида кам таъминланган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини муҳокама қилишга бағишланди.

Йиғилишда шаҳар ва район кенгашларининг биринчи котиблари, республика, вилоят ҳамда шаҳар халқ ноиблари, бир қатор идоралар, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарлари иштирок этишди. Кун тартибидаги долзарб мавзуга доир 30 дан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Сўзга чиққан республика халқ ноиблари Т. Мусаев, Р. Йўлдошев, Қ. Холимбетов, вилоят иқтисодий таъминот бўлими бошлиғи М. Зокирова, касаба ташкилотлари вилоят кенгаши раиси О. Юсупова, Ёшлар иттифоқи вилоят қўмитаси биринчи котиби Б. Менглиев, нафақа фонди раиси Н. Ҳасанов, вилоят адлия бўлими бошлиғи Ў. Раҳимов, ХДП Қўшкўпир район кенгашининг биринчи котиби О. Дўстжонов ва бошқалар қонун лойиҳасига киритиш учун таклиф қилган қўшимча ва фикр-мулоҳазалар ўзининг ҳаётийлиги билан кўпчилик диққат-эътиборига сазовор бўлди.

Қонун лойиҳаси ХДПнинг вилоятдаги деярлик барча шаҳар ва район кенгаши кўпгина бошланғич партия ташкилотларида ишчанлик вазиятида муҳокама қилиниб, унинг бир қатор моддаларига ўзгартишлар ҳамда қўшимча фикрлар киритиш таклиф этилди.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУСТАҚИЛЛИК ВА ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР

2 июнь куни «Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ва ижтимоий-гуманитар фанларнинг вазифалари» мавзуида Ўзбекистон Фанлар академияси ижтимоий-гуманитар фанлар бўлимининг сессияси ўтказилди.

Уни Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти И. Искандаров очди.

Сессияда жамиятни янгилаш даврида фалсафа фанининг муҳим масалалари, Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиши ва иқтисод фанининг вазифалари, мустақиллик ва ҳудудий тизимнинг шаклланиши, Ўзбекистон мустақиллиги шароитида тарих фанининг вазифалари каби долзарб муаммолар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти М. Салоҳиддинов якунловчи нутқ сўзлади. Сўнгра сессия қатнашчилари секцияларга бўлиниб иш бошладилар.

(ЎзА).

Мана ўн йилдирки, Қарши районидаги «Ленинизм» давлат хўжалиги меҳнаткашлари экологик жиҳатдан тоза маҳсулот етиштирмоқдалар. Улар экинзорларга пестицидлар солмайдилар. 1979 йилда хўжаликда трихограмма тайёрлаш бўйича биолаборатория ташкил этилганди. Зараркунандаларга қарши биологик усул қўлланилиб,ётганлиги яхши натижа бермоқда.

СУРАТДА: биофабрика лаборантларидан Муаззам Ҳусанова билан Гулсин Муродова буғдой экилган майдонларга трихограмма тарқатмоқдалар.

Ш. ШАРОПОВ олган сурат (ЎзА).

• Ҳаракатда—баракат

КАФОЛАТЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

● Андижон вилоят Пойтуғ ип йигирув-тўқув фабрикасида ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, иш ва яшаш шароитларини яхшилаш борасида талайгина хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ойлик маошлар ўтган йилгига нисбатан 10—15 баравара кўтарилиб, ўртача 2—2,5 минг сўмга етказилди. Ишчи ошхонасида юқори сифатли, арзон овқат бўлишига эришилди. Ҳозир кунига 4 сўмдан овқат пули берилмоқда. Фабрика қошида ташкил этилган ёрдамчи хўжаликнинг иссиқхоналарида етиштирилган турли хил ошкўклари ишчилар овқатини янада хуштаъм қиляпти.

Ўтган беш ой давомида ишчиларга 15560 сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Буларнинг барчаси иш унумини оширишга, маҳсулот сифатини яхшилашга ёрдам бермоқда. Уста Муроджон Олимов, тўқувчилардан Ойдин Раҳмонова, Машрабжон Тўраев, йигирувчи Замира Мирзаҳолова, оператор Салима Юсуповлар ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб, белгиланган режаларни ортиғи билан адо этишяпти.

Яқинда янги йигирув фабрикаси қурилиши бошлаб юборилди. Фабрика ишга тушса, салкам бир минг киши иш билан таъминланади. Йилнинг учинчи чорагигача 24 нафар ишчи янги уйга кўчиб ўтади. Бундан бироз илгари 24 оила уй тўйлари ўтказди. 140 ўринли болалар боғчаси кичкинтойлар ихтиёрига топширилди.

— Ҳозир асосий эътиборни ишчиларни ижтимоий ҳимоялашга қаратмоқдамиз,— дейди фабрика директори Илҳомжон Раҳмонов. — Ёрдамчи хўжаликни янада такомиллаштириб, чорва моллари боқишни ҳам кўзда тутяпмиз. Яқиндан бошлаб эса «Андижонвнешторг» уюшмаси орқали ишчиларимизга арзон нархдаги чет эл маҳсулотларини етказиб беришни йўлга қўйдик. Хулас, кафолатли ижтимоий ҳимоя меҳнат самарадорлигини оширишга ёрдам бермоқда.

М. ТУХТАНАЗАРОВ,
Андижон вилояти.

БЕПУЛ САЁҲАТ

Гулистон матбаачилик ишлаб чиқариш корхонаси маъмурияти бозор иқтисодиёти шароитида самарали фаолият кўрсатишнинг янги шаклларини излаб топмоқда. Шу йилнинг январь ойидан бошлаб матбаачилар хўжалик ҳисобига ўтиб ишлашяпти.

Натижалар чакки эмас. Ойлик режалар ошириб бажарилмоқда. Дейлик, жорий йилнинг май ойида бир миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Бу, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан уч баравар кўп демакдир.

— Хўжалик ҳисобига ўтиб ишлаш бизга самара келтирмоқда,' — дейди корхона иқтисодчиси Н. Холмуродов. — Маҳсулот сифатли бўлиб, режалар ортиғи билан уддаланяпти. Энг муҳими, фойдамиз салмоқли бўляпти. Ҳозир олинган даромад эвазига ишчиларга кунига 15 сўмдан овқат пули тўланяпти. Меҳнатчиларимизга ҳар ойда маошининг 50—70 фоизи миқдорида мукофот пули ҳам бериляпти.

Яқинда илғор ишчиларимиздан 10 киши Вильнюс ва Минск шаҳарлари бўйлаб беш кунлик бепул саёҳатда бўлиб қайтишди. Саёҳат учун йўлланмаларга корхона ҳисобидан 58 минг сўм ажратилди.

Б. АБДУРАҲМОНОВ.
Сирдарё вилояти.

«Ўзбекистон овози» материаллари изидан

«ЗОВУРДАГИ ГЎШТ ВА ОМБОРДАГИ «МУШУКЛАР»

● Рўзномамизнинг шу йил 11 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола чоп этилганди. Мақолада Бухородаги ишчилар таъминоти бўлимидаги мутасадди ўртоқларнинг бир неча тонна гўштни зовурга ташлаб юборишгани очиб ташланган эди. Ушбу танқидий чиқиш юзасидан республика «ЎЗБЕКНЕФТЕГАЗГЕОЛОГИЯ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИдан расмий жавоб олинди. Унда, жумладан шундай дейилади:

Танқидий мақола бўйича ўтказилган текшириш жараёнида қуйидагилар аниқланди: 1991 йил ноябрь ойида бирлашмага қарашли Бухоро шаҳридаги ишчилар таъминоти бўлими томонидан фонддан ташқари Тернополь шаҳридаги Залешицкая маҳсулот тайёрлаш ташкилотидан 22 тонна гўшт сотиб олинган.

Шу гўштнинг бир қисми «Ўзбекрибпром» ташкилотига тегишли музхонага қўйилган. Музлатгич электр токидан узиб қўйилиши оқибатида гўштнинг 1040 килограмми айниб қолган. Омбор мудири И. Дикарева бузилган гўштни ящириш ва уни ҳисобдан чиқариш мақсадида сохта ҳужжатлар тайёрлаб, маҳсулотни иккита дўконга расмийлаштирган.

Бунинг учун 14-дўкон мудири Н. Дроздовага 5346 сўм 04 тийин, 15-дўкон сотувчиси И. Очиловага 3535 сўм 56 тийин нақд пул берган. Бу пуллар ишчилар таъминоти бўлими кассасига гўё тушум сифатида топширилган. Гўшт эса экспедитор И. Саидҳўжаев томонидан ахлатхонага ташланган.

Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари томонидан И. Дикарева мудир бўлган омборда ўтказилган тафтиш натижасида аниқланган 1111 сўм 36 тийин миқдордаги камомад тўланган. Молиявий аҳволни яхшилагани, гўшт бузилиши натижасида келтирилган зарар қопланганини ҳисобга олиб бирлашмада чиқарилган махсус буйруққа асосан ишчилар таъминоти бўлими бошлиғи С. Назруллаевга ҳайфсан эълон қилинди.

Юқоридаги буйруққа кўра, И. Дикарева омбор мудири вазифасидан бўшатилди. Шунингдек, ушбу нохуш иш билан боғлиқ бошқа шахсларга ҳам тегишли чоралар кўрилди.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

НОРОЗИЛИК БИЛДИРДИЛАР

● Россиянинг Белградаги элчихонаси олдида серб жамоатчилигининг кўпкишилик митинги бўлди.

Митинг қатнашчилари БМТнинг Югославияга қарши жазо чораларида Россиянинг иштирок этишига қарши норозилик билдирдилар. Улар Россия жамоатчилигига ва парламентига мурожаат этиб, раҳбариятга тазйиқ ўтказишга ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг қарори бекор этилишига эришишга чақирдилар. Россия оммавий ахборот воситаларига ва биринчи навбатда телекўрсатувига таъналар қилинди.

ТАЙЕРГАРЛИК АВЖИДА

● Шу йилнинг 19 июнида Татаристон пойтахти — Қозон шаҳрида татарларнинг жаҳон конгресси очилади.

Шу муносабат билан республикада қизғин тайёргарлик бошлаб юборилди. Тайёргарлик доирасида 160 та кўчанинг номи ўзгартирилади. Биринчи навбатда таниқли большевикларнинг номи билан аталувчи кўчаларга янги номлар берилади. Владимир Маяковскийдан бошқа рус шоирлари ва ёзувчиларининг номи билан аталувчи кўчаларга тегилмайди.

РАСМИЙ БАЁНОТ

● Россия Федерацияси Президенти матбуот котибининг расмий баёноти оммавий ахборот воситаларига тарқатилди.

Кейинги пайтда, дейилади унда, собиқ СССРнинг президенти М. С. Горбачев чет элда бўлганида ҳам Россияда мамлакатнинг ички аҳволига, иқтисодий ислоҳотнинг боришига, давлат қурилиши муаммоларига оид баёнотлар берди. Улар собиқ Президент ваколатига тўғри келмайдиган баёнотлардир. Россия Федерацияси Президенти мамлакат ва Россия халқлари олдидаги масъулиятдан келиб чиққан ҳолда М. С. Горбачев диққат-эътиборини бу баёнотларнинг хавфли ва тоқат қилиб бўлмайдиган даражада эканлигига қаратди.

ЧЎЧИМАСА ҲАМ БЎЛАДИ

● Собиқ ГДР раҳбари Эрих Хонеккер Чилининг Москвадаги элчихонаси биносида умрининг охиригача қолиши мумкинга ўхшаб қолди.

Боннда чиқадиган «Бильд» рўзномаси ҳукумат доираларидан олинган маълумотга асосланиб, шу хабарни эълон қилди. Газетанинг ёзишича, Чили президенти Патрисо Эйлвин ҳафта охирида Сантьягода шу хабарни эълон қилади.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

● Кеча Бразилиянинг жаҳонга машҳур Рио-де-Жанейро шаҳрида БМТнинг атроф-муҳитга ва тараққиётга бағишланган халқаро анжумани очилди.

Анжуман қатнашчиларининг асосий мақсади атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг жаҳоншумул снёсати ва уни жаҳон тараққиёт жараёни билан бирга қўшиш йўлларини излаш масалаларида умумий тил топишдан иборат.

ПРЕЗИДЕНТ ДАЪВАТИ

АҚШ Президенти Яман билан Саудия Арабистонини улар ўртасидаги ҳудудий можаронн тинч йўл билан ҳал этишга чақирди.

Американинг Яман пойтахтидаги дипломати Яман Жумҳурияти президентлик кенгашининг бошлиғи Али Абдалла Солиҳга Жорж Бушнинг мактубини топширди. Мактубда икки қўшни мамлакат ўртасидаги чегара муаммолари «мулоқот ва музокаралар воситасида» ҳал этилиши мумкинлиги таъкидланган.

(Жаҳон телеграф агентликлари ва рўзномаларнинг хабарлари асосида тайёрланди).

• Фармон ва ижро

ИШНИНГ КЎЗИНИ БИЛГАН ЮТАДИ

Ўн саккиз йилдирки, хўжаликни бошқаряпман. Очиғи, бугунги фаолиятимизни, қандай ишлаётганимизни энди кечаги мезонлар билан ўлчаб бўлмайди. Режани бажариш, деган гап энди ўта нисбий бўлиб қолди. Унинг бажарилиши, эҳтимол сенинг бир нав ёки яхши ишлаётганингни кўрсатар. Лекин бу яхши яшашингга кафолат бўла олмайди.

Айни пайтда бир нарсани алоҳида таъкидлайман: бозор иқтисодиёти кириб келган шу қийин замонда ҳам ёмон яшамаяпмиз. Бунинг сабабини Президентимизнинг вақтида чиқарган Фармонларида, деб биламан. Шу Фармонлар туртки бўлиб, дон етиштиришни уч баравар кўпайтирдик. Бу йил етти юз гектар майдонда ғалла ўстирдик. Ўрим ҳам бошланиш арафасида. Эпласак шунинг ўзидан саккиз минг аҳолимизнинг дастурхони бут бўлади. Томорқа талаб одамларнинг сўрови қондириляпти. Улар томорқаларига ғалла экишга ўрганяптилар. Хўжалик тегирмонига борладиган йўл серқатнов бўлиб қолди.

Тегирмончи Мардон Йўлдошев мойжувоз қуряпти. Иккита ғишт заводи, оҳак қуйдириш цехи ишлаб турибди. Барча қишлоқларимизга қувурлардан ичимлик суви ўтказилади. Бутун хўжалик хонадонлари газлаштирилишини шу йилнинг охирида ниҳоясига етказамиз. Аҳолига ғалла, мол, ем-хашак сотилди. Ҳозир тирикчиликнинг асосий пойдевори меҳнат бўлмоғи лозим. Касбнинг афзали ҳалол тижорат ва кишининг қўл меҳнатидир, деб таълим берилади Ҳадиси Шарифда. Масалан, тўрт гектарли цитрус экинзоримиз бор. Лимон, апельсин, мандариннинг ҳар гектаридан ҳатто бир миллион сўмгача даромад олмоқдамиз. Цитрус экинзорларини икки-уч йил ичида ўн гектарга кенгайтирамиз.

Умуман, даромад бермайдиган зироат борми?! Ҳозирги пайтда ишнинг кўзини билган ютади. Зотан, меҳнат қилган киши кам бўлмайди.

Ҳуррам БОЙМУРОДОВ,
Жарқўрғон районидаги Ҳ. Олимжон номли давлат хўжалиги директори.

ҚИЙИН БЎЛЯПТИ, ЛЕКИН УДДАЛАЙМИЗ

ТЎЛА ГЕКТАРЛАР

● Меҳнатобод районидаги Ҳамза номли давлат хўжалиги меҳнат аҳли 2400 гектар ерда ҳосил етиштирмоқда. Икки минг гектар ерда чигитни икки марта экишга тўғри келди. Х. Худойбердиев, К. Ортиқбоев, Б. Худойбердиев, Н. Зоитов, А. Абдусатторов бош бўлган бригадаларда эса табиий офат етказган зарар туфайли майдонларга учинчи бор чигит экишга тўғри келди.

Хўжалик бўйича бундай майдонлар 100 гектардан ошиб кетди.

Ёғингарчилик туфайли етказилган талофат, ташвиш ҳар қанча оғир ва аччиқ бўлмасин, қўриқ ер деҳқонлари умидсизликка тушаётганлари йўқ. Ҳозирги кунда ҳар дамни ғанимат билиб, тўла гектарлар яратиш, ниҳоллар парваришини имкон борича тезлатиш, кўчатларни тиклаш чоралари кўрилаётир. Шу мақсадда барча экин майдонларининг этакларидан ҳандақ ариқлар қазилди. Бу экинларни ёмғир суви остида қолишдан сақламоқда. Такрорий экиш эса озиқлантириш билан бирга бажариляпти. Бу янги ниҳолларнинг тез фурсатда униш имконини беради. 50 та чопиқ трактори унумли ишлаб турибди. Натижада қатқалоқнинг олди олинаётир.

Ҳозирга қадар асосий майдонларга биринчи ишлов бериш тугалланди. М. Ҳусанов, Х. Умматов, Н. Зоитовлар бош бўлган бригадаларда иккинчи ишлов якунланмоқда. Кўрилаётган тадбирий чоралар туфайли умумий экин майдонларининг 80—90 фоизида ниҳоллар бир текис ривожланмоқда. Қолган майдонларда ҳам тўлиқ ва соғлом кўчат олиш чоралари кўрилаётир.

Ҳозир рандаги умумий чигит экилган майдоннинг 80—90 фоизида ниҳоллар яхши ривожланмоқда. Бу эса давлат буюртмаси, кўзланаётган марра бемалол бажарилишига имкон беради.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СЕЛ ЙЎЛИ ТЎСИЛЯПТИ

Чуст районидаги деҳқонлари табиий офат билан яна бир бор юзма-юз келдилар. Йигирма дақиқа давом этган табиий офат кўплаб сув иншоотлари, турар-жой бинолари, чорвага шикаст етказди.

Райондаги Генерал Норхўжаев номидаги хўжалик ҳудудини кесиб ўтган Сумсарсойда ҳайқириб сел оқди. Шаён қишлоғи чеккасидан сой қирғоғи ўпирилиб аҳоли уйларига яқинлашди. Сой қирғоғида вилоят сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи муовини А. Жафаров, район сув хўжалиги бошлиғи М. Маҳмудовлар аҳоли хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўрдилар.

— Ўн уч кундан буён тинним билмаймиз, — дейди Шаён маҳалла қўмитаси раиси М. Каримов. — Сув хўжалиги ходимлари барча техника, экскаватор, бульдозерлар билан сой қирғоғини тўсишмоқда.

— Район ҳудудидан тўртта сой кесиб ўтган, — дейди М. Маҳмудов. — 53 километр селхона кечаю кундуз назорат қилиняпти. Тўртта сойдан сел келган пайтларда секундига 150—200 куб метр сув оқади. Оқибатда юздан ортиқ артезиан қудуқлар, кўприклар, юздан ортиқ сув иншоотлари, иккита насос станцияси ишдан чиқди.

Биз табиий офатдан зарар кўрган Олмос қишлоғида 700 дан ортиқ хонадон зарар кўрган. Ўнтаси яроқсиз ҳолга келган, Ҳозир ана шу хонадонларга бепул уй-жой қуриб бериш ишлари давом этмоқда.

Ҳаммаси бўлиб табиий офатдан 700 хонадон зарар кўрди, — деди район ҳокими Р. Муртазоев. — Шу пайтгача табиий офат оқибатида районимиз 60 миллион сўмлик зарар кўрди. 380 та бино ва иншоот, мингдан ортиқ хонадон турли даражада шикастланди. 42 та сув дамбаси, 18 км йўл фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолди. 13 та сув насос станцияси, 60 километр ариқ-зовурларни қайта таъмирлашга тўғри келади. Бу ишда бизга вилоят ҳокимияти, сув хўжалиги бошқармаси, бошқа ташкилот ва корхоналар яқиндан ёрдам беряпти.

А. МАДАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ТАДБИРКОРЛАР

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАР

Гап билгунча иш бил, дейишади. Бугунги кунда ишнинг кўзини билганларгина бозор иқтисодиёти қийинчиликларини енга олади.

Шу кунларда Тойлоқ районидаги кўп тармоқли «Партия XXV съезди» давлат хўжалиги боғлари, токзорларининг таровати ўзгача. Жамоа аҳли кундалик юмушлар билан банд. Уларнинг мақсади — дастурхонимизни сархил мевалар, узум, полиз маҳсулотлари билан тўкин қилиш. Мазкур хўжаликда нознеъмат етиштириш билан чегараланиб қолмасдан, ана шу маҳсулотларни қайта ишлашга ҳам катта эътибор берилаётир.

— Йилига тўрт миллион шартли банка сабзавот, мева консервасе, узум шарбати ҳамда вино ишлаб чиқарадиган цехимиз ишлаб турибди, — дейди давлат хўжалиги раҳбари Ислом Усмонов. — Айни вақтда бу цехда 15 хил маҳсулот чиқариляпти. Шундай экан, бизда қўшни жумҳуриятдаги корхоналар билан мол айирбошлаш учун имконият бор. Шу йўл билан кўпгина керакли нарсалар четдан келтирилиб, аҳолига сотилмоқда. Боғдорчилик — хўжаликнинг етакчи тармоғи ҳисобланади. 784 гектар майдондаги боғнинг 734 гектаридан ҳосил олинади. Боғбонлар илғор тажрибалардан фойдаланиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Майиз тайёрлаш ва вино ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги фикримизнинг далили. Ўтган йили яхшигина даромад кўрилди. Ҳар йили 200-250 тонна атрофида майиз олиш режалаштирилган.

Бугунги кунда қўл қовуштириб ўтириш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Хўжалик аъзолари мева-сабзавот ва узумни қайта ишлайдиган заводни янада кенгайтириш йўлида изланишяпти. Уларнинг эзгу нияти етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тўла қайта ишлаб аҳолини қишин-ёзин неъматлардан баҳраманд этиш. Бундан шубҳасиз, хўжалик ҳам, ишловчилару истеъмолчилар ҳам манфаат кўради. Дастлабки қадамлар хайрли. Шу йил 15 миллион шартли банка консерва маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган завод ишга туширилади.

Ютуқлар қаторида камчиликлар ҳам бор. Олддаги вазифалар, ечилиши керак бўлган муаммолар талайгина. Ана шулар ҳақида гапириб беришни сўраб яна И. Усмоновга мурожаат этдик.

— Энди бизни давлат таъминлайди, дейдиган раҳбар хато қилади, — деди у. — Шунинг учун ҳар бир раҳбар, ҳар бир ишчи тадбиркорлик билан иш юритиши, имкони борича ўзимизда кўпроқ тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишимиз зарур.

Хўжалигимизда етиштириладиган маҳсулотнинг бир килограммини ҳам қайта ишламасдан четга чиқармасликни бош вазифа қилиб қўйдик. Агар шундай қилмасак биримиз икки бўлмайди. Нега деганда ҳаёт олдимизга шундай талабларни қўймоқда. Мавжуд узумзорлардан юқори навли вино тайёрлаш мумкин. Биз келгусида токзорларни кенгайтирмасдан туриб, айрим аралаш навли ток майдонлари ўрнига винобоп навли токзорлар барпо этишни мўлжаллаяпмиз. Шампан винолари тайёрлаш учун эса «Рислинг» ҳамда «Ркацители» навларини экишни ҳам кўзда тутганмиз.

Асосий майдондаги токлар симбағазга кўтарилган. Унинг қатор ораларига ишлов берадиган техниканинг етишмаслиги, устига-устак бундай техникаларнинг давлат харид нархлари ўн-ўн беш баробар ошиб кетганлиги бирмунча қийинчилик туғдиряпти.

Ўткир муаммолардан бири — бу идиш масаласи. Қайта ишланган нознеъматларни соладиган идиш ва ускуналарнинг етишмаслиги мавжуд қувватларни оширишга халақит беряпти. Ҳанузгача бу нарсалар четдан олиниб келинаётир. Натижада идишни ташиб келтиришга ортиқча ҳаражат сарфланаётир. Наҳотки, Самарқанддек катта бир вилоятда шиша идишлар ишлаб чиқарадиган замонавий корхона қуриш мумкин эмас? Ахир идишга вилоятдаги қанчадан-қанча хўжалик, корхоналар кўз тикиб ўтирибди. Агар ана шундай корхона тезроқ қурилса, ортиқча оварагарчиликка чек қўйилган бўларди.

Хўжаликда маҳсулотнинг бир қисмини қиш ва баҳор ойлари учун сақлашга мўлжалланган омборхона ҳам ишлаб турибди. Лекин бундан аҳолининг мева-чевага бўлган эҳтиёжи тўла қондириляпти, дейиш унчалик тўғри эмас. Чунки айни пишиқчилик пайтида унинг бир қисми қайта ишлаш корхонасининг қуввати етишмаслигидан сифати бузилиб, нобуд бўлаётир. Уч минг тонна сабзавот сақланадиган омборхона хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. Ҳар қадамда қийинчилик учраётган бугунги кунда бор имкониятлардан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Ҳозир соатига уч тонна сабзавот қуритадиган Италиядан келтирилган «Сандвик» мосламасини ишга туширишга тараддуд кўрилмоқда. Қисқаси, излаганга имкон бор. Гап ундан тўғри фойдаланишда қолган.

Жамоа аъзолари бугунги бозорнинг талабидан келиб чиқиб, ҳаракат қилишмоқда. Давр ҳам шундай йўл тутишни тақозо этаётир. Ўзларидан чиққан маҳсулотни айирбошлаш йўли билан зарур бўлган жиҳозлар асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмлар, техника, қурилиш материаллари, полиэтилен четдан олиб келиняпти.

Бошқа соҳалар қатори чорвачиликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Моллар туёқ сонини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири. Чунки аҳолининг гўшт, сут каби чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи кундан-кунга ортиб бораётган бугунги кунда мазкур соҳани кўтариш долзарб бўлиб турибди. Шу боис моллар наслини яхшилаб, унинг озуқа базасини мустаҳкамлаш тадбирлари белгиланди. Чорвачиликни ҳам даромад манбаига айлантириш учун сут маҳсулотлари ва гўштни қайта ишлайдиган цех қурилишига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган.

Тўғри, ишларни дадил юргизишда баъзида етишмовчилик ва муаммолар учрамоқда. Булар йўл-йўлакай ҳал этилади, албатта. Лекин ҳозир асосий гап бунда эмас. Гап жамоанинг тўғри йўл танлаганлигидадир. Шу боисдан ҳам улар айни кунларда юртдошлари дастурхонини сархил мевалар, узум, кишмиш майизлар, турли полиз маҳсулотлари билан сероб қилишдек эзгу ниятлар билан меҳнат қилишяпти.

Р. ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

ЭНГ ЗАРУР ЮМУШЛАР

ЖИЗЗАХ (Ўз мухбиримиздан). Вилоят ҳокимиятига тўпланган район ҳокимлари, агросаноат мажмуи ходимлари, хўжаликлар раҳбарлари, ХДП район кенгашларининг биринчи котиблари ҳамда вилоятнинг бошқа фаоллари апрель—май ойларида юз берган табиий офат оқибатларини бартараф этиш ва жорий йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, тайёрлаш юзасидан зарур вазифаларни муҳокама этдилар.

Вилоятда юзага келган мураккаб вазият ҳақида ахборот берган вилоят ҳокимининг биринчи муовини Ў. Олимов деярли барча пахта майдонларида чигитнинг қайта экилганлигини, кўпгина хўжаликлар ҳатто уч маротаба бузиб экишга мажбур бўлганлигини алоҳида таъкидлади. Шу боис ғўза ривожи ўтган йиллардагига қараганда ўртача 20—30 кунга орқада қолмоқда. Бундан ташқари 15 минг гектардаги ғалла, 1108 гектар ердаги боғ, уч минг гектар токзор, кўплаб майдондаги полиз ва сабзавот экиндари муттасил ёмғир, дўл ва селдан зарар кўрди.

Фаоллар йиғилишида сўзга чиққан вилоят ҳокимининг ўринбосари А. Хожимуродов, Пахтакор районининг ҳокими Б. Тожиев, Бахмал районининг ҳокимининг биринчи муовини А. Равшанов, Арнасой районидаги Тимошенко номли давлат хўжалиги директори М. Рустамовлар об-ҳаво иншоотлари, дўл ва сел оқибатларини тугатиш юзасидан ўзларининг аниқ таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Вилоят ҳокими Э. Турсунов ғўза парваришини ташкил этишда мелиорация тармоқлари ишини яхшилаш, маҳаллий ўғитдан унумли фойдаланиш, чорвачилик хўжаликлари ҳамда фермалардаги чириган ўғитнинг охирги тоннасигача далага чиқаришни таъминлаш кераклигини уқтирди.

Фаоллар йиғилишида энг зарур юмушлар бўйича махсус тезкор фаолият кўрсатадиган штаблар тузилди.

Б. САТТОРОВ

МАРДОНАВОР МЕҲНАТ

— Бу йилги қийинчиликлар, табиий офат ўтган йилдагига сира ўхшамайди, — дейди Тўрткўл районининг ҳокими, Ўзбекистон халқ депутати Ғ. Ҳожиев. — Ленин йўли, Димитров номли, Ильич номли, Энгельс номли, «Ленинизм» каби давлат ва жамоа хўжаликларида бузиб экишлар кўп бўлди. 350 гектардан кўпроқ майдонга чигит қайта-қайта экилди. Қатқалоқни юмшатишда ғўза қатор ораларига ишлов беришда, озиқлантиришда барча культиваторлар, ишчи кучлари сафарбар қилинди. Районимиз пахтакорлари, механизаторлари табиий офат оқибатларини мардонавор енгиб камида 4400 тонна пахта етиштириш устида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

— Қайта экиш кўп бўляпти, — деди Шуманай районининг деҳқончилик-саноат комплекси бош директори Б. Смаилов. Аҳволни ўнглаб олиш учун механизаторларимиз кундузни оқшомга улаб ишламоқдалар. Табиий офатдан зарар кўрган «Шуманай» давлат хўжалиги техникуми, «Комсомол», «Ўзбекистон Компартияси XX съезди», Киров номли, А. Мусаев номли давлат хўжаликларида қайта чигит экилди.

Кўпчилик сабзавотчиликка ихтисослаштирилган давлат ва жамоа хўжаликларида, агроучасткаларда, бригадаларда эртанги сабзавотлар икки-уч марталаб қайта экилди. Шу туфайли эртанги сабзавот маҳсулотлари тайёрлаш ишлари анча кечикди.

— Бу йил шаҳар аҳолисига 4500 тонна сабзавот, 3600 тонна қовун-тарвуз етказиб беришимиз керак, — деди Нукус районидаги «Катта оғар» жамоа хўжалиги раиси Қ. Айтбоев. — 120 гектар сабзавот, 180 гектар қовун-тарвуз икки-уч марта қайта экилди. Хўжалигимизнинг табиий офатдан кўрган зарари 1 миллион 200 минг сўмдан ошиб кетди. Қийинчиликларга қарамай сабзавоткорларимиз мўл ҳосил етиштириш учун барча имкониятлардан тўла фойдаланмоқдалар.

Шу кеча-кундузда Қорақалпоғистон республикаси пахтакорлари, соҳибкорлари табиий офат оқибатини бутунлай тугатиш ва мўл ҳосил етиштириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Наманган районидаги «Партия XXII съезди» жамоа хўжалигида ғўза қатор ораларига ишлов бериш бошлаб юборилди. Хўжаликнинг учинчи бригадаси жамоаси бу ишда ҳаммага ўрнак. Айни кунларда механизатор Акрамжон Тошпўлатов ғўза қатор ораларига ишлов бериб, ёш ниҳолларнинг баравж ривожланишига кўмаклашмоқда.

СУРАТДА: илғор механизатор Акрамжон Тошпўлатов.

П. АКБАРОВ олган сурат.

• Ўзбекистон ва жаҳон

ЎРГАТИБ ВА ЎРГАНИБ

● Тошкент Давлат Шарқшунослик институти таклифига биноан, талабаларга халқаро муносабатлар бўйича маъруза ўқиш ҳамда профессор-ўқитувчилар билан учрашув ўтказиш мақсадида Туркиядаги Анқара университетининг профессори, «Янги форум» журналининг муҳаррири, таниқли турк олими Ойдин Ялчин ўз рафиқаси, журналист, «Миллиет» газетасининг мухбири Нолифер Ялчин билан биргаликда Тошкентга ташриф буюрди.

Туркиялик меҳмон икки ҳафта мобайнида ҳозирги замон Туркиясининг ривожланишида мавжуд бўлган халқаро муносабат ҳамда иқтисоддаги муаммоларга доир бир қатор маърузалар ўқиди.

У 70-йилларда Туркиянинг иқтисодий ривожланиш дастурини ишлаб чиқишга бевосита алоқадор бўлиб, 80-йиллардан кейин эса Туркия парламентининг депутати ҳамда шу парламент томонидан тузилган иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш комиссиясига бошчилик қилган.

Олим Ўзбекистон Республикаси ҳамда Туркия ўртасидаги ўзаро фан ва маданият, шунингдек, иқтисодий соҳаларга бағишланган илмий мунозараларда кўп маротаба қатнашган. У институт ўқитувчи ва талабалари билан бевосита суҳбатлар ўтказди. Учрашув мобайнида Ойдин Ялчин ва Нолифер Ялчин жаҳон тараққиёти ҳамда Туркия билан боғлиқ бўлган кўплаб саволларга жавоб берди.

Бундан ташқари Ойдин Ялчин институтда илмий-ўқув ишлари қандай қўйилганлиги ҳамда нашриёт бўлими иш фаолияти билан танишиб чиқди.

Келажакда «Янги форум» журнали ва институт қошида янги ташкил этилган «Шарқ машъали» журналлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик қилиш, шунингдек, институт ўқитувчилари ҳамда Анқара университетининг социалсиёсий факультети билан мунтазам равишда алоқалар боғлаб туриш ҳақида шартлашиб олинди.

Туркияга жўнаб кетиш олдидан Нолифер Ялчин институтнинг журналистика ва Шарқ мамлакатлари тарихи бўйича таҳсил олаётган талабалари билан суҳбатлашди.

Сафар мобайнида меҳмонлар қадимий шаҳарлардан Самарқандга ташриф буюришди ҳамда Хўжа Аҳмад Яссавий ҳокларини зиёрат қилишди.

Абдуманноб РАҲИМОВ,
ТошДШО ходими.

«ТУРОН» ТИЖОРАТ БИРЛАШТИРУВ БАНКИ

«Турон» тижорат бирлаштирув банки 1990 йилнинг 31 декабрида Ўзбекистон Республикаси давлат банкида рўйхатга олинди. У 1991 йилнинг апрель ойидан бошлаб амалий фаолиятга киришди. 1991 йил мазкур банк Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Наманган ва Фарғона вилоятларида ўз филиалларини очди. Жумҳуриятдаги корхоналар, Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат сув хўжалиги қурилиши қўмитасининг ташкилот ҳамда давлат хўжаликлари, «Меъмор» бирлашмаси, «Фарҳод» концерни ва бошқа бир қатор тижорат тузилмалари ушбу банкнинг таъсисчилари ва ҳиссадорлари бўлишди.

Банк ва унинг филиалларининг асосий фаолият турларидан бири — сув хўжалиги ҳамда қишлоқ хўжалиги комплекс иншоотларини маблағ билан таъминлаш, халқ истеъмоли буюмларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан боғлиқ бўлган хайрли ташаббус ва дастурларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан иборат.

Банкнинг молиявий барқарорлиги «Узбанкаудит» мустақил банк аудиторлик жамияти томонидан тасдиқланган.

1991 йили банк устав фонди 21,8 миллион сўмни ташкил этди. 1992 йилнинг 1 майига келиб бу кўрсаткич 9,8 миллион сўмга кўпайиб, 31,0 миллион сўмни ташкил этди. Сумма баланси эса 1992 йилнинг 1 январидаги 877,9 миллион сўмдан 4 ой ичида, яъни шу йилнинг 1 майига келиб 1552,4 миллион сўмгача кўпайди. Ҳисоблар бўйича ҳар кунги айланма (оборот)лар 45,0 миллион сўмни ташкил этди, мижозлар сони эса мингдан ошиб кетди.

«ТУРОН» банки универсал тижорат банки сифатида мижозларга комплекс хизмат кўрсата бориб, анъанавий банк кредитлари операцияларидан ташқари ҳисобларни юргизиш ва ҳисоб-китобни амалга ошириш, турли хил йўналишдаги хизматларни, жумладан, лизинг, факторинг операциялари ва фуқароларнинг пулли омонатларини сақлаш сингари хизматларни ҳам кўрсатади.

Банк 1991 йилда аҳоли омонатлари бўйича фойда фоизини 10—11 фоиз қилиб белгилаган бўлса, 1992 йилдан бошлаб 1 йилдан 3 йилгача бўлган шошилинч омонатлар фойда фоизини 15 фоизга, 3 йил ва ундан кўпроқларни 17 фоизга кўтариб қўйди.

Банк ўз таъсисчилари ва ҳиссадорлари учун касса, ҳисоб-китоб, кредит ва маслаҳат хизматларини кўрсатишга энг қулай шароитларни яратиб бермоқда.

«ТУРОН» ўзбек тижорат бирлаштирув банкининг 1992 йил 1 январгача бўлган баланси

(минг сўм ҳисобида)

Моддалар номи	савдо	актив	пассив
Устав фонди		—	21834
Резерв фонди		—	86
Махсус ва бошқа фондлар		—	463
Банк кассаси		1830	—
Фуқаролар омонатлари		—	348
Давлат банкида корреспондент ҳисоби		408038	—
Мижозларнинг ҳисоб счети		—	137407
Қарзлар бериш		261838	—
Депозит ҳисоблар		—	10500
Банклараро қарзлар		187000	374000
Ҳисобдаги маблағлар		16968	330168
Бошқа қарздор (дебитор) ва қарз берувчи (кредитор)лар		1205	2281
Қам баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар		30	—
Мавҳум маблағлар		1048	—
Йиллик фойда		—	870
БАЛАНС		877957	877957



Шоҳимардонга борганмисиз, сувларидан ичганмисиз?

НИГОҲ ТУШГАНДА

• Суратқаш-мухбир Неъмат Раҳмонов ижодига бир назар

Суратқашликни қўпчилик жуда осон касб деб ўйлашади. Суратга тикилиб кўнгли кўтарилади-ю, унинг ортида қанчалар сермашақкат меҳнат ётгани ҳаёлга ҳам келмайди. Неъматжон Раҳмонов чорак асрдан ошдики, шу касбни канда қилганича йўқ. У тасвирга туширган лавҳалар, жумҳурият ва вилоятлардаги рўзномаларда тез-тез эълон қилиб турилади. Юқоридаги суратда Н. Раҳмоновни кўриб турибсиз. Бу суратни ҳамкасби Турғунбек Маҳкам олган.

Фарғона вилояти филармонияси музика раҳбари Султонали Манноповни қўпчилик яхши танийди. У беш фарзандни тарбиялаб, вояга етказмоқда. Фарзандлари ҳам ота касбидан бориб санъат сирларини ўрганишмоқда.

Пастдаги суратда: С. Маннопов ўғли Исломбек билан.

Лавҳа ва суратларни Неъматжон Раҳмонов тасвирга туширган.

• Муштарий мулоҳазаси

ЗАМОН СЕНГА БОҚМАСА...

Тўй дегани бахтни, бахтиёрликни нишонлаш, тантана қилиш дегани бўлса керак. Шунинг учун одамлар кўнгилларидаги энг яхши ниятларини бир-бирларига «уйингиз тўйхонага айлансин», «юртимиз тўйхона бўлсин», «ҳаммани тўйга етказсин» деган гаплар билан ифода этадилар.

Яхши, осойишта замонлар келдики, тўйларнинг тури кўпайди, тўй маросимлари ўзгарди, расм-русумларга ҳар ким имкониятига қараб тузатишлар қўшди. Қалинлар, саруполар, совғалар, томошалар, базмлар қуюқлашди.

Бу ширин ташвишларнинг оғирлигини тўйнинг эгалари қандай кўтаришяпти билмадиму, лекин бугунгидек талон, купон деган нарсалар жорий бўлиб қолган замонда бу оғирликлар бизларга — савдо ходимларига, айниқса, савдо идораларининг раҳбарларига қаттиқ сезилмоқда. Биров тўйим бор, газмол керак, ширинлик, ичимлик керак, деб яна биров бошимизга ташвиш тушиб қолди, деб мурожаат қилади. Хуллас, келувчиларнинг кети узилмайди. Тахчиллик ўсгани баробари илтимослар ҳам ўсиб боради. Агар сабри чидаб ўтирса, савдо идораси бошлиғининг кунг бўйи «фалончига уни бериш керак, пистончига буни» деган ёзувлардан қўли бўшамайди. Бунинг устига одамлар сўраб келган ўша савил қолгур мато омборда қалашиб ётган бўлсаки, юзинг ёруғ бўлиб ҳамманинг кўнглини олсанг.

Мен идорага келаётганларни шилқимликда айбламоқчи эмасман. Ҳамма ҳам тўй бергиси келади, элнинг расм-русумини қилгиси келади. Бировдан кам бўлмайин, дейди. Ва юрт ўртасида ишлаб турибмизки, (қаёққа борсин), бизга келишади-да. Мен фақат бир нарсани айтмоқчиман: тахчилликни ҳеч ким атайин ўйлаб чиқаргани йўқ. Тахчиллик — ҳаммага келган ташвиш. Бу ўринда мен, фалон-фалон молларни идорамиз бултургидан ёки олдинги йилдан шунча фойиз кам олди, деб маълумот пеш қилмасам ҳам ҳозирги аҳволни ҳамма кўриб-билиб турипти.

Халқимизда «Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ» деган гап бор. Менимча, ҳов, тўкинлик пайтларида бошланган исрофгарчиликни, «сендан мен камми» тақлидида қилинган дабдабабозликни, сарупою совғаларни бериш-олишдаги мақтанчоқликларни тўхтатиш, кўрпага қараб оёқ узатиш замонлари келди. Камтарлик, фақирлик, борига қаноат қилиш ҳеч қачон айб саналмаган. Муҳаммад пайғамбаримиз бир уйланишларида меҳмонларни фақат ҳурмо билан зиёфат қилганларини китоблардан ўқиганман. Бунинг устига тўйларимиз оврупочалашиб кетгани менга ёқмайди. Ҳар бир тўй миллий анъана, расм-русум, маданий меросимизнинг намойиши ,кўриги бўлсин, дейман. Тўйлар одамларни арақ ичишга ёки ғарбча ноғораларга рақс тушишга эмас, миллий қадриятларни эъзозлашга, тиклашга ўргатса дейман.

Холмурод ҚИЛИЧЕВ,
Термиз шаҳар саноат молларн савдоси бошлиғи.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

1992—93 ўқув йили учун кундузги (кд), кечки (к) ва сиртқи (с) таълимнинг биринчи босқичига қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БУЙИЧА:

0704 — Кимё-ўрмон тармоқлари иқтисодиёти ва бошқариш (кд).
2103 — Технологик жараёнларни автоматлаштириш (кд, с).
2501 — Органик моддаларнинг кимёвий технологияси (кд, с).
2502 — Анорганик моддаларнинг кимёвий технологияси (кд).
2503 — Электр кимёвий ишлаб чиқариш технологияси (кд).
2504 — Ёнилғи ва углеродли материалларнинг кимёвий технологияси (кд).
2505 — Юқори молекуляр бирикмаларнинг кимёвий технологияси (кд).
2506 — Пластмасса ва эластомерларни қайта ишлаш технологияси (кд, с).
2508 — Сопол ва ўтга чидамли нометалл материалларнинг кимёвий технологияси (кд, с).
2512 — Кимёвий ишлаб чиқаришнинг асосий жараёнлари ва кимёвий кибернетика (кд).
2513 — Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий бойликлардан унумли фойдаланиш (кд, с).
2602 — Ёғочсозлик технологияси (кд, с).
2701 — Донни сақлаш ва қайта ишлаш технологияси (кд, с.).
2702 — Нон ёпиш, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси (кд, с).
2704 — Ачитқи ишлаб чиқариш ва виночилик технологияси (кд).
2706 — Ёғ технологияси (кд, с).
2707 — Консервалаш технологияси (кд, с).
2708 — Гўшт ва гўшт маҳсулотларининг технологияси (кд).
2710 — Сут ва сут маҳсулотларининг технологияси — (кд).

ЧИРЧИҚ ШАҲРИДАГИ КУЛЛИЁТ БУЙИЧА:

2501 — Органик моддаларнинг кимёвий технологияси (кд, к).
2502 — Анорганик моддаларнинг кимёвий технологияси (кд, к).
2513 — Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий бойликлардан унумли фойдаланиш (к).
2508 — Сопол ва ўтга чидамли нометалл материалларнинг кимёвий технологияси (к).

УРГАНЧ ШАҲРИДАГИ КУЛЛИЁТ БУЙИЧА:

2502 — Анорганик моддаларнинг кимёвий технологияси (кд).
2508 — Сопол ва ўтга чидамли нометалл материалларнинг кимёвий технологияси (кд).
2513 — Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий бойликлардан унумли фойдаланиш (кд).
2707 — Консервалаш технологияси (кд).

ҚАБУЛ ШАРТЛАРИ:

Олий билимгоҳга кирувчилардан аризалар: кундузги таълимга 25 июндан 31 июлгача, кечки ва сиртқи таълимга 8 июлгача қабул қилинади.

Қабул ҳайъатига тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати: ариза, ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асли, 086/У шаклидаги тиббиёт маълумотномаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ишлаганлар учун), 3х4 см. ўлчамли 6 та фотосурат, паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат (шахсан кўрсатилади).

Қириш имтиҳонлари: кундузги таълим учун 10 июлдан 22 июлгача, кечки ва сиртқи таълим учун 1 августдан 16 августгача ўтказилади.

ТошКТИга кириш учун учта фандан имтиҳон топшириш белгиланган: кимё ва математикадан (ёзма), ўзбек (рус) тили ва адабиёти (диктант), Фанлардан топшириладиган имтиҳонлар беш балли тизимда баҳоланади.

Ўрта мактабни олтин (кумуш) медаллар, ўрта махсус ўқув юртлари ёки ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли дипломлар билан тамомлаганлар фақат кимёдан (ёзма) имтиҳон топширадилар. «Беш» баҳо олинган тақдирда улар бошқа имтиҳонлардан озод этиладилар. «Тўрт» ёки «уч» баҳо олинган тақдирда бошқа имтиҳонларни ҳам топширадилар.

Институтга қабул қилиш кирувчиларнинг имтиҳонларда тўплаган баллари миқдори бўйича умумий танлов натижаларига қараб ўтказилади. Ҳарбий хизматдан заҳирага бўшатилган ва белгиланган ҳукумат имтиёзларидан фойдаланувчи ҳарбий хизматчилар, етим ёки ота-онаси қаровидан маҳрум бўлган болалар, олий ўқув юртида ўқиш учун шифокорлар меҳнат-эксперт ҳайъатларининг хулоса ҳужжатига эга бўлган I ва II гуруҳ ногиронлари, кириш имтиҳонларидан ижобий баҳо олганларидагина, танловдан ташқари қабул қилинадилар.

Барча кириш имтиҳонлари ўрта умумий таълим мактаби ўқув дастурига мувофиқ тарзда тузилади.

Қабул комиссиясининг манзилгоҳи: 700029, Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 1-уй. Телефон: 56-66-85.

СПОРТ

«АЛПОМИШ» САРОЙИДА

● Тошкентдаги бу муҳташам спорт саройида шарқона беллашувнинг таэквондо тури бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Икки кун давом этган беллашувларда курашнинг масоги усули бўйича тошкентликлардан К. Абдуллаев, Б. Мамедов, В. Николаев, В. Гаврилов, бухоролик К. Жумаевлар вазнларига кўра ғалаба қозонишди. Хотин-қизлар ўртасида тошкентлик И. Пен, Ф. Муракаева, Е. Ким ва О. Кимлар ғолиблик супасига кўтарилдилар. Жамоа ҳисобида тошкентликлар фахрли иккита ўринни эгаллашган бўлса, бухороликлар учинчи бўлишди.

ХАЛҚАРО МУСОБАҚАДА

● Олмаотада таниқли енгил атлетикачи Г. Хасанов хотирасига бағишланган мусобақа ўтказилди. Мусобақада республикамиз вакиллари муваффақиятли куч синашдилар. Чунончи, найза улоқтириш устаси В. Парфенов, 100 метрга тўсиқлар оша югуриш бўйича О. Ляшко ва юз метрга югурган К. Абдуғаниевлар зафар қучиб, спорт мастери талабини бажаришди. Шунингдек, тўпмоқ улоқтириш бўйича 67 метр 78 сантиметрли натижа кўрсатган В. Хожитиллаев, найзани 59 метру 30 сантиметрга улоқтирган О. Яригина, уч ҳатлаб сакрашда 16 метр 70 сантиметрли маррани эгаллаган В. Черниковлар ҳам зафар қучдилар.

ҒОЛИБЛИК СУПАСИДА

● Эркин кураш бўйича Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги биринчилигида иштирок этган Р. Атауллиногина бронза медалин қўлга киритди., У 68 килограммм вазнли полвонлар қатори беллашиб, ана шундай соврин эгаси бўлди.

БУШ КЕЛМАДИ

Бокс бўйича Олмонияда ўтказилган халқаро мусобақада республикамиздан бир спортчи иштирок этди. Жумладан, когонлик Наримон Отаевга нишон билдирилди. Чапдаст бу боксчимиз барча учрашувларни муваффақиятли ўтказиб, Олмония чемпиони, деган фахрий унвонга сазовор бўлди.

• ОДОБНОМА

КЕЛИНЧАК

● Мусулмончиликнинг хўп ажойиб удумлари бор-да! Хоҳ қўлинг юпқами, хоҳ чангалингда пул ўйнайдими, барибир унга риоя этмоқ фарз. Эҳтимол, ўша расм-русмларни бажариш шарт бўлганиданми, ўртада оқибат, қадр-қиймат, ота-она ҳурмати каби фазилатлар барқарорлашаётгандир.

Тўрабойнинг қиз узатганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Қўшнисига, икки ҳовли нарига келин бўлиб тушган қизини бирам кўргиси келади, ноилож. Ота кўргисини ўтказса бошқа гап. Агар кўриб чиқай деса ота ва бола, қоларверса қудалар ўртасидаги муқаддас парда хира тортгандай туюларди. Чидайди, юраги ўртаб кетса ҳам, севимли қизининг нигоҳига ташналик тинчлик бермаса ҳам чидайди...

Тўрабой тоқатли йигит. Ота кўрдига тайёргарлик кўриш билан соғинч ўтларини сусайтираётгандай бўлаверди. Қизи Барчиной ҳам отасини кўриш ниятида. Кириб бораверай деса одобдан эмас. У эрталаб кўча эшикларини очиб қўяр экан, ўзларининг дарвозаси томон мўралайди. «Отам чиқиб қолсайди..». Лекин ота қизининг қалбидаги интиқликни сезмас эди.

Бир куни Тўрабой каллаи саҳарлаб турди-да, алла қаёққа юмуш билан отланди. Ғиришрада кўча эшикни очди. Чиқиб атрофга алангади. Эшикларнинг остигача супуриб, шакароп қилиб сув сепиб қўйилганини кўрди-ю «ие, хотиним барвақтроқ турган экан-да» дедида йўлига равона бўлди. Кейинги кунларда у бир нарсага разм сола бошлади. Ҳар куни кўча эшикларининг олди супурилиб, сув сепиб қўйиларди. Хотинидан сўраган эди, у елка қисди...

Барчиной отамни тасодифан кўриб қолармиканман, деган ўйда ҳар тонг ўзларининг эшик остини супуришга чиққанида ота-онасининг кўча бўйларини ҳам супурар, сув сепар экан. Яшанг! Сиздай келинлар, қизлар бор бўлсин!

САЛОМНИНГ КУЧИ

● Абдухалилнинг бир яхши одати бор. У кўча-куйда дуч келган одамга, у каттами-кичикми биринчи бўлиб салом беришга шошилади. Унинг бу одми одатини билган маҳалладошлари Абдухалилдан ўтиб кетишга ҳаракат қиладилар. Аммо нотаниш жойларда барибир «Ассалому алайкум» деган калом биринчи бўлиб Абдухалилдан чиқади.

Хоноболнинг Тополина кўчаси, 61-уйда истиқомат қилувчи Абдухалил Маматовнинг Қорасувда Абдулбоқи деган ошнаси бор. У дўстникига тез-тез ташриф буюриб туради. Лекин ҳар гал борганида ўртоғининг ён қўшниларини кўча дарвозаси олдида ўн-ўн бир ёшлардаги бир боланинг турганини ё кўрмаган, ё эътибор бермас экан. Яқинда борганида жим, ўтган-кетганларга лоқайд қараб турган болага кўзи тушди-ю, яқинлашиб «ассалому алайкум» деди. Бола бақириб юборди. Ва ҳовлиларига бақирганича югуриб кириб кетди...

Абдухалил биродарларининг ҳовлисига кириб энди чорпояга ўтирмоқчи эди, бир аёл билан эркак ҳаллослагانича кириб келишди. Абдулбоқи уларни таниганидан ўрнидан турди: «қўшниларим» деди. Қўшнилар ҳаяжонда, улар Абдухалил билан шошилиб сўрашди-да, «Ҳалиги салом берган киши сизми?» дейишди.

— Кимга? — сўради Абдухалил.

— Ўғлимга, ҳозир чопиб кирди.

— Ҳа, мен, тинчликми?

— Раҳмат сизга, раҳмат!— деди юраги ҳапқириб аёл. У худди узоқдан чопиб келгандай ҳансирар эди.

— Тушунмадим, ассалому алайкумга ҳам раҳматми?

— Биласизми, — деди аёл билан кирган эркак... Ўғлимиз бироз гунгроқ, яхши гапиролмайди. Шу боисданми болаларга унча қўшилиб кетмайди. Одамлар ана шу камчилиги туфайлими уни унча менсимайдилар. Эсини таниб, салпал оқ-қораниング фарқига бориб қолгандан бери ўғлимизнинг кулганини сира эшитмаган эдик. Ҳозир сиз салом бергандан кейин бақириб-чақириб, хурсанд кулиб, яйраб уйга чопиб кирди. «Менга салом берди, менга салом берди», — дейди нуқул. Шунга ўғлимизга салом берган ким бўлди, деб кирган эдик. Раҳмат!

ПЎСТИН

● Андижон вилоятимизда Холмамат Жўраевни танимаган киши бўлмаса керак. У узоқ йиллар хўжаликларга раҳбарлик қилгани билан эмас, балки ўзининг ҳимматлиги, кишилар дардига малҳам бўлиб келгани билан машҳур бўлган эди.

Холмамат ака хонадонига ҳаромҳариш топилган бойликларни йўлатмас, бошқаларни ҳам шунга даъват этиб келар эди. Яқинда бир танишимиз унинг фаолиятига таллуқли бир воқеани айтиб берди:

Эллигинчи йилларнинг ўрталари эди. Холмамат Булоқбошидаги кичкина колхозларнинг бирига раислик қиларди. бир куни хўжаликка тафтишчи келди-да, бутун бухгалтерия ҳужжатларини ўргана бошлади. У бир кун унинг хўжалигида бўлса, эртасига қўшни колхозга ўтарди. Шундай қилиб уч-тўрт колхозни, унинг раҳбарларини сирли панжасида ушлаб турар, биров унга қарши гап айта олмас, айтган одам ўша йилларнинг қонуни билан бошига не кунлар тушишини яхши билар эди.

Навбатдаги ҳужжатни ўрганиш, тафтиш қилишдан кейин вилоят бухгалтерларининг сардори ғойиб бўлиб қолди. Ҳаво айниб турган эди. Меҳмонхонадаги жойи бўш турди. Холмамат ака одати бўйича тонг ёришмасдан идорада пайдо бўлди. Тафтишчи билан нонушта қилиш, кечаси кўринмай қолгани учун тинчлигини сўраш ниятида эди. Энди идорага келиб турган эдиямки, чунонам ёмғир қуя бошладики, кўз очиргани қўймайди. Ёмғир узоқ ёғди. Бир вақт пўстин ёпинган одам идора томон кела бошлади. Яқинлашган эди, танидик. Бу ўша тафтишчи эди. Ёпиниб олгани Холмамат аканинг қирғиз дўстларига жуда қимматбаҳода тиктирган пўстини эди. Тафтишчи саёқ аёл яшайдиган маҳалла тарафдан келар эди.

Холмамат ака тафтишчининг эгнидан пўстинини олди-да қоровулни чақирди.

— Керосин обкелинг, — буюрди раис.

Тафтишчи ҳам, қоровул ҳам ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Тезроқ, — яна буюрди раис.

Қоровул бир шиша керосин обкелган эди. Холмамат уни пўстинга сепиб юборди. Сўнг гугурт олиб ўт қўйди.

Тафтишчи ҳам, қоровул ҳам ажойиб пўстинни ёнғиндан қутқаришга ўринишди-ю, уддасидан чиқиша олмади. Пўстин бир пастда куйиб, кул бўлди.

— Нима қилганингиз бу? Ахир жуда қимматга тушган эди-ку, пўстин, — дейишди раиснинг атрофидагилар.

— Колхозни нас босмасин,— деди раис.

Муқимжон НИЁЗОВ.
Андижон.

• ИСТИҚЛОЛ НИШОНАЛАРИ

РУҲЛАРИ ШОД БЎЛҒАЙ

Кўксарой — воҳанинг энг баҳаво қисми. Соҳибқирон Амир Темур қароргоҳи айнан ана шу ерда жойлашган. Афсуски, бир замонлар маънавиятимизга путур етказганлар мазкур майдонни бузиб, мустаҳкам қалъа, ҳарбий истиҳкомга айлантиришган.

Шаҳарнинг эски ва янги қисмини бирлаштирувчи мазкур майдонга вақт ўтиши билан Ленин номи берилди. Бу ерда маъмурий бинолар қад кўтарди.

Яқинда вилоят ҳокими, Халқ демократик партияси вилоят кенгаши бюросининг аъзоси П. Абдураҳмонов тарихий ҳужжатга имзо чекди. Меҳнаткашлар талаб-истагига кўра Самарқанддаги бош майдонга тарихий Кўксарой номи қайтарилди. Бу ерда ҳиндистонликлар барпо этаётган «Кўксарой» меҳмонхонаси қурилиши ҳам ниҳоясига етай, деб қолди.

Кўксарой фақат маъмурий марказ бўлиб қолмайди. Шаҳар ҳокимияти майдонда қад кўтаражак «Озодлик» ёдгорлиги учун очиқ танлов эълон қилди. Бундан ташқари майдонда маданият муассасалари, савдо маркази ҳам қад кўтаради. Хуллас, буюк бобокалонимиз руҳлари шод бўлғай...

Т. ФАРМОНОВ.

ДЎСТЛИК САМАРАСИ

●НАВОИЙ «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси кимёгарлари тақчил ишқор, карбид, нитакон кислотасини ҳамкорлик асосида Хитойдан оладиган бўлишди.

Булар эвазига навоийлик саноатчилар Хитойга минерал ўғитлар, аммиак селитраси жўнатишади. Ана шундай маҳсулот айирбошлаш эвазига ўтган тўрт ойда Хитойдан 1500 тонна ишқор олинди. Натижада бирлашманинг тўхтаб қолиш хавфи туғилган барча цехлари юксак унум билан ишлай бошлади. Ишқор мазкур кимё қорхонасида асосан заҳарли, ниқинди сувларни тозалашда атроф муҳит мусаффолигини таъминлашда ишлатилади. Жанубий Корея билан ҳам шундай ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода— 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») —общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

386.914 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г 102.

Нашр кўрсаткичи—64583.
№ 110.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди—21.20. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.